

## НЕФТЬ ТУТУВЧИ УГЛЕВОДОРОД ҚОЛДИҚЛАРИ ТАРКИБИДАГИ МЕХАНИК ҚҮШИМЧАЛАР МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИ



**Хурматов  
Абдуғоффор  
Мирзабұллаевич**

ЎзР ФА УНКИ «КТЖ ва Қ»  
лаб.мудири, т.ф.д., профессор,  
Ташкент, Узбекистан  
E-mail: [gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)



**Алимов Нуриддин  
Парохитдинович**

Наманган мұхандислик  
технология институты таянч  
докторант PhD, Наманган,  
Узбекистан  
E-mail:  
[alimovnuriddin5880@gmail.com](mailto:alimovnuriddin5880@gmail.com)



**Юсупова Надира  
Кайпбаевна**

ЎзР ФА УНКИ «КТЖ ва Қ» лаб.  
докторант DSc, т.ф.ф.д., доц.  
Ташкент, Узбекистан  
E-mail: [nadira\\_87@mail.ru](mailto:nadira_87@mail.ru)



**Мирзаев Жавоҳир  
Қобилжонович**

ЎзР ФА УНКИ «КТЖ ва Қ» лаб.  
таянч докторант, Тошкент,  
Узбекистан  
E-mail: [gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)

**Аннотация.** Мақолада келиб чиқиши түрлича бўлган нефтиламларининг таркибини ва асосан улар таркибидаги механик қўшимчалар миқдорини ўрганиши натижалари, резервуар нефтиламлари, техник сувларни тозалашдан қолган нефтиламлари ва шлам сақлагачда тўпланган нефтиламлари таркибидаги керак бўлмаган қўшимчаларни ажратишда ҳар ҳил эритувчилар билан ўтказилган тажрибалар натижалари келтирилган. Нефтиламларининг таркиби барча турдаги шламлар учун жуда аҳамиятли бўлиб, бу кўрсатгич нефтиламларини қайта ишиш, утилизация қилиши, улардан иккиламчи маҳсулотлар олиши ёки нефть ҳом-ашё базасини ошириши мақсадида олиб бориладиган тажрибаларда муҳим роль ўйнайди. Шу боис, лаборатория шароитида Фаргонга НҚИЗ дан олиб келинган уч ҳил нефтиламларининг таркибидаги механик қўшимчалар миқдори аниқланди.

**Калит сўзлар:** нефть, механик қўшимчалар, резервуар, эритувчи, аралаштиргич, зичлик, қовушиқоқлик, нефть шлами, углеводородлар.

## РЕЗУЛЬТАТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ КОЛИЧЕСТВО МЕХАНИЧЕСКИХ ПРИМЕСЕЙ НЕФТЕСОДЕРЖАЩИХ УГЛЕВОДОРОДОВ

**Хурматов  
Абдуғоффор  
Мирзабұллаевич**

ИОНХ АН РУз, зав.лаб. «ПиАХТ»,  
д.т.н., профессор, Ташкент,  
Узбекистан  
Электронная почта:  
[gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)

**Алимов Нуриддин  
Парохитдинович**

Наманганский инженерно-  
технологический институт  
докторант PhD, Наманган,  
Узбекистан  
Электронная почта:  
[alimovnuriddin5880@gmail.com](mailto:alimovnuriddin5880@gmail.com)

**Юсупова Надира  
Кайпбаевна**

ИОНХ АН РУз, зав.лаб. «ПиАХТ»,  
докторант DSc, д.ф.т.н., доц.,  
Ташкент, Узбекистан  
Электронная почта:  
[nadira\\_87@mail.ru](mailto:nadira_87@mail.ru)

**Мирзаев Жавоҳир  
Қобилжонович**

ИОНХ АН РУз, зав.лаб. «ПиАХТ»,  
докторант PhD, Тошкент,  
Узбекистан  
Электронная почта:  
[gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)

**Аннотация.** В статье представлены результаты по изучению состава нефтешламов различного происхождения и количества механических примесей в них, результаты экспериментов с различными растворителями по разделению ненужных примесей в резервуарных нефтешламах, нефтешламах из технической очистки воды и нефтешламах отходных. Состав нефтешламов очень важен для всех видов нефтешламов, и этот показатель играет важную роль в экспериментах, проводимых с целью переработки, утилизации нефтешламов, получения из них вторичных продуктов или увеличения базы нефтяного сырья. Поэтому количество механических примесей определялось в лабораторных условиях в трех видах нефтешламов, привезенных из Ферганского НПЗ.

**Ключевые слова:** нефть, механические примеси, резервуар, растворитель, смеситель, плотность, вязкость, нефтешлам, углеводороды.

## RESULTS OF DETERMINING THE QUANTITY OF MECHANICAL IMPURITIES OF PETROLEUM-CONTAINING HYDROCARBONS

Xurmamatov Abdugaffar

doctor of technical sciences,  
professor, head of laboratory «P  
and DChT» of the Institute of  
General and Inorganic Chemistry  
of the Academy of Sciences of  
Uzbekistan

E-mail: [gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)

Alimov Nuriddin

Namangan Engineering and  
technology Institute Basical  
doctoral student, Namangan,  
Uzbekistan  
E-mail:  
[alimovnuriddin5880@gmail.com](mailto:alimovnuriddin5880@gmail.com)

Yusupova Nadira

PhD of technical sciences, Doctoral  
student of laboratory «P and  
DChT» of the Institute of General  
and Inorganic Chemistry, Tashkent,  
Uzbekistan  
E-mail: [nadira\\_87@mail.ru](mailto:nadira_87@mail.ru)

Mirzayev Javohir

Basical doctoral student of  
laboratory «P and DChT» of the  
Institute of General and Inorganic  
Chemistry, Tashkent, Uzbekistan  
E-mail: [gafuri\\_19805@mail.ru](mailto:gafuri_19805@mail.ru)

**Abstract.** The article presents the results of studying the composition of oil sludge of various origins and the amount of mechanical impurities in them, the results of experiments with various solvents to separate unnecessary impurities in tank oil sludge, oil sludge from technical water treatment and waste oil sludge. The composition of oil sludge is very important for all types of oil sludge, and this indicator plays an important role in experiments conducted for the purpose of processing, recycling oil sludge, obtaining secondary products from them, or increasing the base of oil raw materials. Therefore, the amount of mechanical impurities was determined in laboratory conditions in three types of oil sludge brought from the Fergana Oil Refinery.

**Keywords:** oil, mechanical impurities, reservoir, solvent, mixer, density, viscosity, oil sludge, hydrocarbons.

**Кириш.** Нефть шлами пайдо бў-  
лишининг асосий сабаби нефть маҳсу-  
лотларинг намлик, атмосфера кислороди  
ва механик аралашмалар билан физик-  
кимёвий ўз-аро таъсиридир. Бундай  
жараёнлар натижасида асл нефть маҳсу-  
лотларининг қисман оксидланиши смо-  
ласимон бирикмаларнинг ҳосил бўлиши  
doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10431967>

билин содир бўлади. Таркиби ва физик-  
кимёвий ҳоссалари бўйича бир ҳил  
нефтешламлари учрамайди [1].

Республикада нефтни қайта ишлаш  
ва нефть шламини бирламчи қайта иш-  
лашга тайёрлаш соҳасида муайян назарий  
ва амалий натижаларга эришилди [2].

Ўзбекистон Республикасини янада

ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий ҳомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштриш, янги саноат корхоналарини фаолиятини маҳсулот турлари ва технологиялари бўйича ишлаб чиқаришни ўзлаштириш йўли билан кўтариш» вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан, углеводород чиқиндиларини сув ва турли механик аралашмалардан тозалаш, нефтишламини бирламчи қайта ишлашга тайёрлаш бўйича энергия тежовчи технологик линия яратиш бўйича олиб борилаётган илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга [3].

Нефть маҳсулотлари, сув ва механик аралашмаларнинг (кум, лой, занг ва бошқалар зарралари) нисбати жуда кенг чегараларда ўзгаради: углеводородлар 5-90%, сув 1-52%, қаттиқ аралашмалар 0,8-65%. Нефть лойлари таркибидаги бундай сезилярли ўзгаришлар уларнинг физик-кимёвий хусусиятларининг кенг доирадаги ўзгариши билан изоҳланади. Нефть шламининг зичлиги  $830-1700 \text{ кг}/\text{м}^3$  гача, қотиш ҳарорати  $-3^\circ\text{C}$  дан  $+50$  гача [4].

Нефть шламларини қайта ишлаб улар таркибидаги органик қисмини ажратиб олиш натижасида ҳомашё базасини кўпайтириш мақсадида асосий ҳомашёга қўшиш учун нефть шламлари таркибидаги сув ва механик қўшимчаларни ажратиш лозим. Сабаби булар ҳомашёнинг кейинчалик ишлатилишида салбий таъсирлар келтириб чиқаради. Шунинг учун, биз нефть шламларини механик қўшимчалардан тозалашнинг самарали усулини ишлаб чиқдик ва қатор тадқиқотлар олиб бордик [5].

Механик қўшимчаларнинг миқдори-  
doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10431967>

ни 6370-2018 ГОСТ бўйича аниқладик [6]. Бу стандарт нефть, суюқ нефть маҳсулотлари ва присадкалар учун мўлжалланган ва механик қўшимчаларни аниқлаш учун ишлатилади.

Усулнинг моҳияти синовдан ўтган маҳсулотларни бензин ёки толуолда секин фильтрлайдиган маҳсулотларни олдиндан эритиб фильтрлаш, фильтрдаги чўкмани эритувчи билан ювиш ва тортишдан иборат [7].

**Адабиётлар таҳлили ва методлар.** 50,42 г. уч ҳил турдаги нефть шлами идишда 5 мин давомида қўлда чайқаб аралаштирилди,  $40-60^\circ\text{C}$  ҳароратгача қиздирилди. 250 мл ҳажмда олинган қиздирилган эритувчи ёрдамида қоғоз фильтрда ювилди. Фильтрни  $105^\circ\text{C}$  ҳароратда 45 дақиқа давомида қуритдик. Эксикаторда 30 дақиқа давомида совутилиб, тарозида ўлчанди.

Кейинги қуритиш жараёни 30 дақиқа ичида ўтказилди.

Механик қўшимчалар миқдори қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланди [8].

$$M = \left[ \frac{m_1 - m_2}{m_3} \right] \cdot 100,$$

бу ерда  $m_1$  – механик қўшимчалари бор қоғоз фильтрли стакан массаси, г;

$m_2$  – тоза қоғоз фильтрли стакан массаси, г;  $m_3$  – намуна массаси, г.


Механик аралашмаларнинг таркиби иккита параллель аниқлаш натижаларининг ўртача арифметик қиймати сифатида ҳисоблаб чиқилди. Агар механик аралашмалар 0,05% дан қўп булмаса, унда бу ҳолат механик аралашмаларнинг йўқлиги деб ҳисобланади.

Аввало, нефть шламидаги механик аралашмаларнинг дастлабки миқдори


аниқланди. Фильтр қоғози 105 °C ҳар-ратда доимий оғирлиқда қурилған. Нефть шламининг намунаси сув ҳамомида 40 °C гача қиздирилған, чунки таҳлил қилингандай нефть шламлари юқори қовушқоқликка эга эди. Кейинчалик оғирлиги 2 гр. бўлган нефть шламининг намунаси 25 гр. оғирлиқдаги бензин билан суюлтирилди. Намунанинг иссиқ эритмаси шиша воронкага жойлаштирилған қурилған қоғоз фильтр орқали фильтранади. Фильтрлашдан

сўнг фильтр шишага ўтказилди ва 1 соат давомида термостатда қурилди. Қуригандан сўнг, стакан 30 дақиқа давомида эксикаторда совутилған, сўнгра аналитик тарозида тортилған тоза фильтрли стакан массаси 19,5498 гр.га тенг бўлган.


Уч ҳил турдаги нефть шламлари таркибидағи механик қўшимчалар миқдори Сокслет қурилмаси ёрдамида аниқланди. Сокслет қурилмасига думалоқ тубли колба жойлаштирилди ва унинг ичига экстракцияловчи эритувчи қуий-



**1-расм. Техник сувларни тозалашдан қолган чиқинди шламларининг таркиби**  
1-механик қўшимчалар, %; 2-қайта ишилаш натижасида ажралган фракциялардаги сув миқдори; 3-органик қисми, %.



**2-расм. Резервуар тагида чўкиб қолган нефтишламларининг таркиби**  
1-механик қўшимчалар, %; 2-қайта ишилаш натижасида ажралган фракциялардаги сув миқдори; 3-органик қисми, %.



**3-расм. Шлам сақлагичларда түпланған нефтишламларининг таркиби**  
1-механик құшымчалар, %; 2-қайта ишилаш натижасыда ажралған фракциялардаги сув миқдори, %; 3-органик қисми, %.

либ, совитгич уланди. Аппарат марказига экстракцияланувчи намуна солинган гильза жойлаштирилди ва эритувчи қайнаш ҳароратигача қиздирилиб, бүг ҳолатига келди бу эса қурилма бүйлаб күтарилиб, совутгичда конденсацияланды ва томчи ҳолатда гильзага томчилади. Фильтр қофозда гильзанинг ичиде жойлашган нефть шлами органик қисми эритувчи ёрдамида эритилиб унинг асосий массасига қўшилди [ГОСТу 6370-2018] [9].

Олиб борилған тадқиқотлар натижасыда келиб чиқиши бўйича уч ҳил бўлған нефть шламлари таркибида қанча миқдорда механик құшымчалар бор эканлиги аниқланди.

1-расмдан кўриниб турганидек, олиб борилған тадқиқотлар натижаси бўйича техник сувларни тозалашдан қолган чиқинди шламларининг таркиби 18% механик құшымчалардан, 42% сувдан ва 40% органик қисмдан иборат эканлиги далилланди.

2-расмдан кўриниб турганидек, олиб борилған тадқиқотлар натижаси бўйича резервуар тагида чўкиб қолган нефтишламларининг таркиби таркиби 5%  
doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10431967>

1-жадвал

**Техник сувларни тозалашидан қолган чиқинди шламларини механик қўшимчалардан тозалаши натижалари**

Эритувчилар	Аралаштириш давомийлиги, мин	Механик қўшимчалар миқдори, %
Енгил нафта	60	0,04
Оғир нафта	60	0,07
Керосин	60	0,1

1-жадвал

**Резервуар тагида чўкиб қолган нефтишламларини механик қўшимчалардан тозалаши натижалари**

Эритувчилар	Аралаштириш давомийлиги, мин	Механик қўшимчалар миқдори, %
Енгил нафта	60	0,02
Оғир нафта	60	0,04
Керосин	60	0,13

нафта билан 60 дақиқа давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик қўшимчаларни ажратиш натижасида механик қўшимчаларнинг концентрацияси 0,04% ни ташкил этганлигини ва 30% оғир нафта билан нефть шламларини 60 дақиқа давомида эритиш орқали тозалаш натижасида механик қўшимчалар миқдори 0,07% ни ташкил этганлигини ва 30% нисбатда керосин билан 60 дақиқа давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик қўшимчаларни ажратиш натижасида механик қўшимчаларнинг концентрацияси 0,1% ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкун.

2-жадвалдан кўриниб турибдикি, резервуар тагида чўкиб қолган нефт-  
doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10431967>

шламлари 30% нисбатда енгил нафта билан 60 дақиқа давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик қўшимчаларни ажратиш натижасида механик қўшимчаларнинг концентрацияси 0,02% ни ташкил этганлигини ва 30% оғир нафта билан нефть шламларини 60 дақиқа давомида эритиш орқали тозалаш натижасида механик қўшимчалар миқдори 0,04% ни ташкил этганлигини ва 30% нисбатда керосин билан 60 дақиқа давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик қўшимчаларни ажратиш натижасида механик қўшимчаларнинг концентрацияси 0,13% ни ташкил этганлигини кўришимиз мумкун.

3-жадвалдан кўриниб турибдикি,

3-жадвал

*Шлам сақлагичларда түпланган нефтшламларини механик құшимчалардан тозалаши натижалари*

Эритувчилар	Аралаштириш давомийлиги, мин	Механик құшимчалар миқдори, %
Енгил нафта	60	0,05
Оғир нафта	60	0,11
Керосин	60	0,17

шлам сақлагичларда түпланган нефтшламлари 30% нисбатда енгил нафта билан 60 дақыла давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик құшимчаларни ажратиш натижасида механик құшимчаларнинг концентрацияси 0,05% ни ташкил этганлигини ва 30% оғир нафта билан нефть шламларини 60 дақыла давомида эритиш орқали тозалаш натижасида механик құшимчалар миқдори 0,11% ни ташкил этганлигини ва 30% нисбатда керосин билан 60 дақыла давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик құшимчаларни ажратиш натижасида механик құшимчаларнинг концентрацияси 0,17% ни ташкил этганлигини күришимиз мумкун.

**Хулоса.** Олиб борилган тажрибалар натижасида уч ҳил турдаги шламлар учун

хам энг мақбул эритувчи бу енгил нафта эканлиги исботланди. Натижада техник сувларни тозалашдан қолган чиқинди шламларини механик құшимчалардан тозалаш натижалари механик құшимчалар миқдори энг кам яъни 0,04% ни, резервуар тагида чўкиб қолган нефтшламлари 30% нисбатда енгил нафта билан 60 дақыла давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик құшимчаларни ажратиш натижасида механик құшимчаларнинг концентрацияси 0,02% ни, шлам сақлагичларда түпланган нефтшламлари 30% нисбатда енгил нафта билан 60 дақыла давомида аралаштириш орқали унинг таркибидаги механик құшимчаларни ажратиш натижасида механик құшимчаларнинг концентрацияси 0,05% ни ташкил этди.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

- Грудников И.Б. Производство нефтяных битумов – М.: Химия, 1983. – С. 57.
- Нурабаев Б.К. Исследование состава нефтешламов // Вестник КазНТУ им. К.И. Сатпаева. 2010. N 4 (80). С. 229-230.
- Романцева С. В. О взаимосвязи углеродного состава нефтешламов с методами их утилизации / С. В. Романцева, А. П. Ликсутина // Вестник Тамбовского университета; сер. «Естественные и технические науки». – 2003. – № 1. – С. 129-130.

doi: <https://doi.org/10.5281/zenodo.10431967>

4. Ахметов А.Ф., Гайсина А.Р., Мустафин И.А.. Методы утилизации нефтешламов различного происхождения.// Нефтегазовое дело. 2011. Т.9. №3. С.98 – 101.
5. Абдуллин А.И., Емельянычева Е.А., Юсупов А.И. Дорожный битумный композиционный материал/Вестник КНИТУ. - №12. – Казань. Изд-во КНИТУ. 2012. – С. 205-208.
6. A.M.Xurmamatov, N.K.Yusupova, O.T.Mallabayev, D.X. Mirhamitova. Physicochemical Properties of Light Ractions Which Released During the Distillation of Diluted Oil Sludge// Nat. Volatiles & Essent. Oils. – 2021. Vol. 8. №5. – P.10688-10693.